20__ A Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 12 октябрь • № 40 (1217)

*Матбуот анжумани*

## ТИЗИМ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИСЛОҲОТЛАР

***Айни пайтда мамлакатимизда 7 та олий тиббиёт таълим муассасаси ва уларнинг жойлардаги 4 та филиалида соғлиқни сақлаш соҳаси учун малакали кадрлар тайёрланмоқда. Жорий йилда ушбу олий ўқув юртларининг бакалавриат йўналишини тамомлаган 2 минг нафар ёш мутахассис ишга йўлланма олган бўлса, 4 минг 395 нафар йигит-қиз эса талабаликка қабул қилинди. Шу ва тиббий таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар бўйича жорий йилнинг 8 октябрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда батафсил маълумот берилди.***

Соҳа мутасаддилари ва журналитслар иштирокидаги анжуман аввалида Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов тиббий таълим тизимидаги ислоҳотлар – соғлиқни сақлаш тизимини тараққий эттиришнинг муҳим мезонларидан бири эканлигини таъкидлаб, бу борада Президентимизнинг мамлакатимизда тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирларига оид қарори муҳим қадам эканлигини айтиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг таъкидлашича тиббиёт соҳасини замонавий фикрлайдиган, чуқур билимли, масъулиятни ҳис этадиган, бир сўз билан айтганда, малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, 2017 йили Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали, жорий йилда эса Фарғона филиали очилиши кадрлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш имкониятларини кенгайтирди. Бундан ташқари, бакалавриат ва "тиббий профилактика" таълим йўналишлари ўқув муддати халқаро стандартларга мос равишда 6 ҳамда 5 йил этиб белгиланди. Ўқув режаларидаги ижтимоий-иқтисодий фанлар

**(Давоми 2-бетда).**



*Конгресс*

## ОНКОЛОГИЯДА ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК




***Жаҳон тиббиёти томонидан шакллантирилган оғир асоратли хасталиклар рўйхати орасида онкологик касалликлар юқори ўринда туради. Бироқ, соҳа мутахассисларининг фикрича, Нур терапиясининг бугунги замонавий ютуқлари мазкур касалликни эрта аниқлаш ва унинг хавф даражасини бартараф этиш имконини беради.***

**(Давоми 2-бетда).**

## УШБУ СОНДА

**3** **ИМКОНИЯТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАДИ**

*Тошкент давлат стоматология институтида А.И. Евдокимов номидаги Москва давлат тиббиёт-стоматология университети билан ҳамкорликда "Стоматология" ва Италиянинг Турин политехника университети билан ҳамкорликда "Биотиббиёт муҳандислиги" факультетларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

**4** **ТИББИЁТДАГИ ИННОВАЦИЯ БЕМОРЛАРНИ САМАРАЛИ ДАВОЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ**

*Самарқанд вилояти ортопедия ва шикастланиш оқибатлари шифохонасида замонавий технологиялардан самарали фойдаланилмоқда.*

**5** **ЙОД ТАНҚИСЛИГИНИ ДАВОЛОВЧИ МИЛЛИЙ ДОРИ ВОСИТАСИ ЯРАТИЛДИ**

*У арзон ва самарадор. Энг муҳими 90 фоиз маҳаллий хомашёдан олинади. Агарда хориждан кириб келаётган бундай дорилар 20-30 минг сўм бўлса, янги дорининг нархи 12-13 минг сўм оралиғида бўлади.*

**7** **ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ КАК ПОЛЕЗНАЯ ПРИВЫЧКА ЧЕЛОВЕКА**

*Если в здоровом теле здоровый дух, то в здоровом духе должно быть здоровое тело? Наверное, такой оборот у многих вызовет недоумение и вопрос: что такое здоровый дух?*

*Матбуот анжумани*

# ТИЗИМ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИСЛОҲОТЛАР

блоки 23 фоиздан 7 фоизга қисқартирилиб, клиникагача ва клиникага оид фанлар учун ажратилган соатлар ҳажми 55 фоиздан 85 фоизгача оширилди. Шунингдек, ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларини малакали шифокорлар билан таъминлаш ма-




саласидан келиб чиқиб, 2017 йилда 1180 та, жорий йилда 1548 та мақсадли квота шакллантирилди. Натижада ҳозирга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё вилоятларида умумий амалиёт шифокорига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланди. Бирламчи тиббиёт муассасаларидаги тор мутахассислар етишмовчилиги клиник ординатура, магистратура, қисқа муддатли қайта тайёрлов курслари битирувчилари ҳисобига 2020 йилгача тўлиқ ҳал

(Давоми. Боши 1-бетда).

этилиши назарда тутилмоқда. Қолаверса, тизимдаги юқори технологияларга асосланган амалиётлар такомиллашувини инобатга олиб, сўнгги янгиликларни таълим жараёнига жоирий этиш мақсадида янги фанлар киритилмоқда. Хусусан, магистратура йўналишига киритилган "Диетология", "Спорт тиббиёти" "Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги", "Болалар терапевтик стоматологияси", "Болалар жарроҳлик стоматологияси" каби ихтисосликлар, бакалавриатура таълимига халқаро тажрибага мувофиқ жорий этилган "Тиббиётда хорижий тил", "Тиббиётга кириш", "Молекуляр фармакология", "Тиббий экология", "Биоэтика", "Клиник реставрацион стоматология" каби фанлар шулар жумласидандир.

Тадбирда шунингдек, тиббий таълим тизимида йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик масалалари хусусида ҳам ахборот берилди. Унга кўра, мазкур йўналиш ҳам жадал ривожланмоқда. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимиз ҳамда 20 дан ортиқ хорижий олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди. Имзоланган меморандумлар асосида ўзбекистонлик бир гуруҳ ёшлар хорижнинг етакчи тиббиёт университетларида таҳсил олмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, жорий ўқув йилида Тошкент давлат стоматология институтида Москва давлат тиббиёт-стоматология университетининг "Стоматология" ва Италиянинг Турин политехника университетининг "Биотиббиёт муҳандислиги" таълим йўналишлари очилди. Яна бир янгилик, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб Корея Республикасининг Индже университети Ильсан госпитали билан "Травматология ва ортопедия" магистратура мутахассислиги бўйича қўшма дастур асосида Тошкент педиатрия тиббиёт институтида магистрларни тайёрлаш ҳақида мақсадли келишув имзоланди. Россиянинг Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети билан ҳам айни шу мазмундаги ҳужжат ижрога йўналтирилди.

Тиббиёт мунтазам изланишни талаб этувчи соҳадир. Шу боис, тиббий таълим дейилганда фақат талаба-ёшлар тушунилмайди. Сабаби, фаолиятдаги шифокорларнинг малакасини ошириб бориш ҳам тиббий таълим тизимининг бир қисми ҳисобланади. Бу борада шифокорларни хориждаги етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга малака оширишга юбориш, хорижий мутахассисларни мамлакатимизга таклиф қилиш ислоҳоти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида биргина жорий йилнинг ўзида 500 нафардан кўпроқ ёш мутахассисларимиз чет элда малака оширишга муваффақ бўлди. 400 нафарга яқин хорижлик мутахассислар юртимиз тиббиёт муассасаларига таклиф этилиб, улар иштирокида маҳаллий мутахассисларимиз учун маҳорат дарслари ташкил этилди.

*Ўқув режаларидаги ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки* ***23*** *фоиздан* ***7*** *фоизга қисқартирилиб, клиникагача ва клиникага оид фанлар учун ажратилган соатлар ҳажми* ***55*** *фоиздан* ***85*** *фоизгача оширилди.*

*2017 йилда 1180 та, жорий йилда* ***1548*** *та мақсадли квота шакллантирилди. Натижада ҳозирга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё вилоятларида умумий амалиёт шифокорига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланди.*



**Ҳа, анжуман давомида айтиб ўтилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар тиббиёт тизими олдида турган муҳим масалаларни ҳал қилиш бробарида, соҳа истиқболини ҳам белгилаб бериши шубҳасиздир. Зеро, ҳар қандай тараққиёт пойдевори таълим жараёнларида ўзлаштирилган кўникма ва амалиётлар билан мустаҳкамланади.**

*Конгресс*

# ОНКОЛОГИЯДА ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 7 октябрь куни Тошкент вилоятининг "Лайнер" тоғ-курорт ҳудудида мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи радиолог ва онкологлари иштирокида "Нур терапиясининг замонавий ютуқлари ва унинг Марказий




Осиёдаги истиқболлари" мавзусида ўтказилган конгрессда ана шулар хусусида сўз юритилди.

Хусусан соҳага кириб келаётган юқори технологиялар, замонавий даволаш усуллари, бу борадаги янгича ёндашувлар конгресс муҳокамасининг асосий мазмунини ташкил этди. Айниқса, онкологик хасталикларни даволашда нур терапиясининг афзалликлари, самарадорлиги, шу билан бирга, беморларнинг умр кўриш сифатини оширишдаги аҳамиятига эътибор қаратилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Фредерик ВЕНЦ,
Манхайм университети клиникаси профессори (Германия):**

– Мазкур конгреес доирасида жойларда ўтказилган учрашувларда мамлакатингиз тиббиёти ҳақида ўзим учун қизиқарли маълумотларга эга бўлдим. Гувоҳи бўлганимдек, юртингизда онкология йўналишидаги хасталикларнинг олдини олиш, касалликларни самарали даволаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ташкил этилган муассасаларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради. Мамлакатингиз аҳолисининг асосий қисми нисбатан ёш қатламдан иборатлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг бу борадаги имкониятларини юқори баҳолаш мумкин. Конгрессда юртингизда онкология хизматини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи саратонга қарши кураш миллий режасини ишлаб чиқилиши таклифини билдирдим. Бунинг учун мамлакатингизда барча имконият мавжуд. Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш учун профилактика, эрта ташхис, даволаш ва даволанишдан кейинги асоратлар билан ишлаш тизимини бир-бири билан мужассам равишда амалга ошириш лозим. Шундагина кўзланган мақсадларга эришиш имконияти кескин ортади.

**Мирзағолиб ТИЛЛЯШАЙХОВ,
Республика ихтисослаштирилган онкология-радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори:**

– Тиббиёт тизими, умуман, касалликларнинг олдини олиш, аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий хизмат сифатини яхшилаш масалаларига қаратилаётган эътибор кундан-кунга янги босқичга кўтарилмоқда. Шу боис, марказ ҳамда унинг жойлардаги 15 та филиаллари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Маркази ва унинг Тошкент шаҳар филиалига ташхислаш ва даволаш имкониятини кенгайтирувчи нур терапияларини ўтказишга мўлжалланган чизиқли тезлаткич аппаратлари ўрнатилди. Шунингдек, тизимдаги ислоҳотлар натижасида юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари нафақат пойтахтимизда, балки ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларида ҳам ўтказилмоқда. Ишлар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар бу билан чекланмайди, албатта. Бугунги халқаро конгресс эса шу мақсаддаги келгуси режаларимизни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади.




Айтиш муҳимки, тадбир доирасида хорижий ҳамкорлар билан Тошкент вилояти ҳудудида ташкил этилиши кўзда тутилган янги марказ хусусида ҳам келишувларга эришилди.

**Тўрақул АРЗИҚУЛОВ,
Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:**

– Конгресснинг биринчи кунида Тошкент вилояти ҳокимлигида германиялик мутахассислар, хорижий ҳамкорлар иштирокида ҳудудимизда фаолияти йўлга қўйилиши кутилаётган марказ ташкил этилиши муҳокама қилинди. Таъкидлаш керакки, бу масалага айни вақтида эътибор қаратилди. Янги марказ энг сўнгги русумдаги юқори технологияли аппаратлар билан жиҳозланиши ва шароитлари билан ажралиб туради. Бу ўз ўрнида аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам хизматини яқинлаштириш имкониятини бериш баробарида, тиббиёт туризмини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

**Конгресс сўнгида замонавий ускуналар имконияти ва илғор тажрибалар, соҳадаги янгиликлар билан тажриба алмашиш, шунингдек, тадбир доирасида муҳокама этилган масалалар ижроси бўйича ҳамкорликни мустаҳкамловчи резолюция қабул қилинди.**

**Саҳифа материалларини
Ҳасан АБДУҒАНИЕВ тайёрлади.
Муаллиф олган суратлар.**

# ИМКОНИЯТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

## Тошкент давлат стоматология институтида янги факультетлар ташкил этилди

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3775-сонли қарорида белгиланган вазифалар борасида Тошкент давлат стоматология институтида кўплаб эзгу фаолиятлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хориж мамлакатларининг энг нуфузли олий таълим муассасалари ва компаниялари билан меморандумлар имзоланиб, талабалар, мутахассислар ўзаро тажриба алмашиб келишмоқда. Айтиш жоизки, сўнги уч йилда 50 га яқин ана шундай ҳужжатлар имзоланди.***



Жорий йилнинг 6 октябрь куни Тошкент давлат стоматология институтида А. И. Евдокимов номидаги Москва давлат тиббиёт-стоматология университети билан ҳамкорликда “Стоматология” ва Италиянинг Турин политехника университети билан ҳамкорликда “Биотиббиёт муҳандислиги” факультетларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан, тиббиёт олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш тўғрисида сўз юритишди.

Тадбир доирасида ўқишга қабул қилинган талабалар, уларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари ушбу йўналишларда олиб борилган ишлар билан таништирилди.

Таъкидланганидек, 2018/2019 ўқув йилида институтга бугунги кунгача 357 нафар талаба қабул қилинган. Тошкент шаҳридаги 4 та стоматология поликлиникаси ва клиник шифохоналар ҳамда 20 дан зиёд йирик хусусий стоматология поликлиникасида клиник базалар ташкил этилиб, ўқув жараёни олиб борилмоқда. Шу билан бирга, симуляцион марказ фаолияти йўлга қўйилиб, замонавий симуляторлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, институтда 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб факультетларнинг барча курсларида айрим мутахассислик фанлари инглиз тилида ўқитилмоқда.

**Жасур РИЗАЕВ,**
**Тошкент давлат стоматология институти ректори:**



*– Маълумки, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида таълим муассасалари давлатнинг таълим бериш соҳасидаги ваколатларини амалга оширувчи орган сифатида белгилаб берилган бўлиб, бунга кўра, улар ёш авлодга таълим хизмати кўрсатилишини замонавий талаблар даражасига олиб чиқишлари, бу борада илғор хориж тажрибаларини ўрганган ҳолда, уларни таълим жараёнларига татбиқ қилиб боришлари, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил қилиш, бир сўз билан айтганда, уларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришлари талаб этилади. Тошкент давлат стоматология институти ҳам бу борада қатор фаолиятларни йўлга қўйиб келмоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунда муассасамизда 1 минг 600 нафардан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда. Уларга жаҳон талабларига мос билим бериш мақсадида Европа ва Осиёдаги стоматология соҳаси кенг ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари ўрганилиб, ўқув жараёнларида қўлланмоқда. Яна бир жиҳат, институтда юқори таълим хизматини кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2018 йил 17 сентябрдаги 9-сонли баёни билан 9 та олий ўқув юртига 2018/2019 ўқув йили қабули учун хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари асосида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш бўйича тўлов-контракт асосида қўшимча қабул квоталари тасдиқланди. Булар орасида Тошкент давлат стоматология институтига ҳам 60 та бакалавр йўналишида квота ажратилди. Олиб борилган музокаралар натижасида А. И. Евдокимов номидаги Москва давлат тиббиёт-стоматология университети билан ҳамкорликда “Стоматология” йўналиши ва Италиянинг Турин политехника университети билан ҳамкорликда “Биотиббиёт муҳандислиги” йўналишларида қўшма дастурлари бўйича ўқув жараёни ташкил этилди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, иккала қўшма дастур бўйича ўқишга 60 нафар талаба қабул қилинган бўлиб, таълим жараёнида фаол қатнашиб, муваффақиятли тугатганлар учун Тошкент давлат стоматология институти ва ҳамкор олий ўқув юртларининг дипломлари беришилиши кўзда тутилган.*



**Хулоса қилиб айтганда, ёшларни интеллектуал жиҳатдан юксак савияда тарбиялаш, уларни ўз соҳасининг етук ва бугунги кун талабига жавоб бера оладиган мутахассиси қилиб тайёрлашни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, тиббиёт олий ўқув юртларида олиб борилаётган бу каби эзгу фаолиятлар, халқаро ҳамкорликлар эса ана шу мақсадлар сари илдам қадам қўйишда дастуриламал бўлмоқда.**

**Жонибек МАЪРУПОВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Давра суҳбати*

# ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ФАОЛИЯТ ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРАДИ

***Парламент қуйи палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда тиббиёт муассасалари фаолиятини интеграциялашнинг аҳамияти” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.***

Таъкидланганидек, соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилаётган доимий эътибор натижасида қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли поликлиникалар соат 8:00 дан 20:00 гача хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди. Уларда туну кун ишлайдиган тез ёрдам подстанциялари ташкил этилиб, дори воситалари ва тиббий буюмлар таъминоти яхшиланди. Натижада, уларнинг чақирув манзилига етиб бориш ва ёрдам кўрсатишни бошлаш вақти қарийб уч марта қисқарди.

Мазкур қўмита жорий йилнинг ўтган даври давомида жойларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳолатини ўрганиб чиқди.

Ўрганиш жараёнида бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларининг тез тиббий ёрдам ва стационар ёрдам кўрсатиш муассасалари билан ўзаро интеграциясини таъминлаш борасида олиб борилаётган ташкилий ва амалий ишлар ҳолати ҳамда соҳада аниқланган муаммоларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жойлардаги ўрганишлар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг ўзаро интеграцияси йўлга қўйилган бўлсада, бу давр талаби учун етарли эмаслигини кўрсатди. Ўрганилган туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг тез тиббий ёрдам бўлимлари, унинг шохобчалари томонидан қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ва поликлиникаларга тез тиббий ёрдам кўрсатилиб, уйида қолдирилган беморлар тўғрисидаги маълумот тўлиқ етказиб берилмаган. Етказиб берилганларига эса, шифокорлар томонидан барча ҳолатда ҳам фаол қатновлар амалга оширилмаган.

Кўрилган туманлар ҚВП, қишлоқ оилавий поликлиникалари, туман ва шаҳар кўп тармоқли поликлиникаларидан вилоят муассасаларига даволаш, текширув, назоратга олиш бўйича йўлланма-алмашинув варақалари жорий қилинган бўлса-да, амалиётга тўлиқ татбиқ этилмаган. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани марказий шифохонасида даволанаётган беморларнинг ёки туғруққа келган беморларнинг 10-12 фоизи қўшни туманлар аҳолиси ҳиссасига тўғри келади. Ёки Сурхондарё вилоятининг Денов тумани марказий шифохонасида даволанаётган беморларнинг кўпи Узун ва Олтинсой туманларидан келгани кузатилди. Шунингдек, Бухоро вилоятининг Пешку тумани марказий шифохонасининг болалар бўлимида даволанаётган беморларнинг барчаси йўлланмасиз ётқизилган.

Муассасаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги – интеграциялашган фаолияти, яъни беморларни даволанишга ёки кўрикка йўллаш, қабул қилиш, маслаҳат бериш, саломатлигини назоратга олиш, беморлар ҳақидаги маълумотлар алмашинуви, вертикал бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш, даволаш-диагностика жараёнини тасдиқланган стандарт ва протоколлар асосида ташкиллаштириш тиббий хизмат сифати ва қулайлигини оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, беморларнинг ортиқча оворагарчилигига барҳам берилади.

Давра суҳбатида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг, хусусан, ҚВП, поликлиника, тез тиббий ёрдам ва тумандаги стационар муассасаларнинг ўзаро интеграциясини кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Хусусан, фуқаролар биринчи навбатда ҚВП ва оилавий поликлиникаларга мурожаат қилиши, ушбу муассасалардаги умумий амалиёт шифокори ёки тор соҳа мутахассислари томонидан беморнинг соғлиғи ҳолатидан келиб чиқиб, кўп тармоқли туман поликлиникасига юборилиши, ушбу муассаса тор соҳа мутахассиси томонидан амбулатор даволаниш учун маслаҳат берилиб, ҳудудий ҚОП ёки ҚВПга қайтарилиши ёки стационар даволаниш учун йўлланма берилиши зарур.

Тадбир якунида тиббиёт муассасаларининг ўзаро интеграциялашган фаолиятини яхшилаш юзасидан билдирилган таклиф-тавсиялар инобатга олинган ҳолда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Юртимиз шифохоналарида*

# ТИББИЁТДАГИ ИННОВАЦИЯ БЕМОРЛАРНИ САМАРАЛИ ДАВОЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

***– Ёшлигимда оёғимни синдириб олиб, бир ой гипсда бўлганман, шунча вақт тўшакда ётганман, – дейди шифохона эшиги олдида турган аёл ҳамроҳига қараб. – Яқинда ўғлим тиззасидан лат еганди. Кеча операция қилишди, ҳеч қандай гипс ҳам, темир ҳам қўйишмади. Икки-уч кунда уйга жавоб берамиз, дейишяпти.***

***– Бир ойлар аввал шу ерда турмуш ўртоғимнинг елкасини операция қилишди, – дейди иккинчи аёл. – Айтганингиздек, ипини оламиз, жароҳатини кўрамиз, деган гаплар йўқ. Бемалол қўлини ҳаракатлантиряпти. Бугун кўрикка келдик.***



**Самарқанд вилояти ортопедия ва шикастланиш оқибатлари шифохонасида** замонавий технологиялардан самарали фойдаланилиши беморларга кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш ҳамда қисқа вақтда уларнинг саломатлигини тиклашда қўл келмоқда.

– Илгари қўлимиз гипс тайёрлашдан бўшамасди, – **дейди муассаса бош шифокори ўринбосари Отабек Салоҳий.** – Синганми, чиққанми, операция қиламизми, йўқми – ҳаммасига гипс қўяверганмиз. Даволашнинг усули шу эди, шундай ўргатишган. Бундан бошқа йўлни билмаганмиз. Бугун эса тиббиётнинг барча йўналишлари қатори травматология-ортопедия соҳасида ҳам даволашнинг янгича усулларидан фойдаланилмоқда. Суяк синиши, ҳатто усул парчаланиб кетишини ҳам ҳеч қандай мураккабликсиз, танага ортиқча тиғ теккизмасдан даволаш чоралари кўриляпти. Илғор замонавий технологиялар, инновацион ғоялар мушкулимизни осон қилди, беморларни азоб чекишдан халос этди. Ҳозирда 230 ўринли шифохонамизда мебель ва бошқа жиҳозлар барчаси замонавий бўлмаса-да, тиббий аппаратларнинг энг сўнгги русумдагиларини олишга ҳаракат қилганмиз. Тегишли давлат дастурлари, халқаро грант маблағлари ва лойиҳалар ҳам асосан замонавий ускуналар харид қилишга йўналтирилмоқда. Бунинг натижасида айни пайтда биз учун энг зарур бўлган рақамли рентген аппаратидан фойдаланяпмиз. "4D" ультратовуш текшириш ускунаси ёрдамида турли даражадаги жароҳат ва травмалардан кейин беморнинг нафақат ички аъзолари, балки қон томирларидаги ўзгаришлар ҳам кузатилиб, даволаш чоралари кўрилади. Замонавий лабораториямизда беморнинг қон намунаси 120 йўналиш бўйича таҳлил қилинади. Жарроҳлик амалиётлари эса асосан эндоскопик усулда, кесмасдан амалга оширилмоқда. Бунинг учун хориждан келтирилган артроскопия аппаратидан фойдаланамиз. Бу усул беморни самарали даволаш ва қисқа фурсатда саломатлигини тиклаш имконини бермоқда.

Шифохонанинг замонавий технологиялар билан таъминланиши ўз навбатида ходимлар билимини ошириш, уларнинг янги ускуналардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлишни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда муассаса Россия, Беларусь, Украина, Жанубий Корея, Исроил, Туркия, Ҳиндистон каби хорижий давлатлардаги етакчи тиббиёт марказлари, ўқув даргоҳлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Шифохона ходимлари ҳар йили ушбу марказларда бўлиб, малака ошириб қайтади. Хорижлик мутахассислар ҳам тез-тез Самарқандга келиб, беморларни тиббий кўрикдан ўтказади, ёш шифокорлар учун маҳорат машғулотлари ташкил этилади. Жумладан, жорий йилда Ҳиндистон, Туркия, Украина ва Россиядан келган юқори малакали мутахассислар беморларни замонавий усулда даволаш бўйича шифохона ходимларига ўз тажрибасини ўргатди. Жанубий кореялик шифокорлар эса тизза бўғими ва чаноқсон бўғимида эндопротез қўйиш бўйича жарроҳлик амалиётини маҳаллий мутахассислар билан бирга амалга оширди.



– Бир неча йилдан буён тизза бўғими касалликларини замонавий артроскопия аппарати ёрдамида эндоскопик усулда жарроҳлик йўли билан даволаб келяпмиз, **– дейди шифохона бўлим бошлиғи С. Жангиров.** – Жорий йилда елка бўғими бўйича ҳам операцияларни шу усулда амалга оширишни бошладик. Шунингдек, сунъий бўғим ҳам қўйиляпти. Бунинг учун ўзим Жанубий Кореяда, бошқа ходимлар Беларусь, Украина ва Россияда малака ошириб келдик. Хориждаги ҳамкасбларимиз билан тез-тез фикр алмашиб турамиз. Баъзан мураккаб жарроҳлик амалиётларини интернет орқали бўлса-да, ўзаро маслаҳатлашиб, сўнгра бажарамиз. Аввалари бундай беморларни очиқ усулда операция қилардик. Уларнинг соғайиб кетиши ҳам бир-бир ярим ойга чўзилиб кетарди. Тиғсиз йўл билан жарроҳлик амалиёти бажарилиши натижасида бемор 5-7 кунгина шифохонада бўлади. Кейинчалик унинг соғайиб кетиши ҳам тезлашади.

**Дарвоқе, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг травматология ва ортопедия кафедраси ҳам мазкур муассасада жойлашган. Кафедра профессор-ўқитувчилари ёш мутахассислар билан бирга илмий изланишлар олиб бориб, травматология ва ортопедия бўйича ўнлаб рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқмоқда. Беморларни даволашнинг замонавий, илғор усуллари кашф этилмоқда. Жумладан, 2017 йилда тўрт илмий ишланма патентлаштирилган бўлса, жорий йил бошидан буён бешта даволаш услубига патент олинди.**

**Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎзА.**

*Талабаликка бағишлов*

# БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР ҚАСАМЁДИ

***"...Соҳа билимларини чуқур ўзлаштириб, юқори малакали шифокор бўлишга, эгаллаган билимларимни беморлар манфаатига қаратишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, шифокор этикаси ва деонтологияси тамойилларига амал қилишга... тантанали равишда қасамёд қиламан".***

***Жорий йилнинг 5 октябрь куни 2018-2019 ўқув йилида Тошкент тиббиёт академияси талабасига айланган 872 нафардан зиёд ўғил-қизлар ушбу сўзлар ҳаяжони билан шифокорлик қасамёдини қабул қилди.***



Пойтахтимиздаги Туркистон санъат саройида "Биз Ибн Сино издошларимиз" мавзусида ташкил этилган талабаликка бағишлов тадбири бўлиб ўтди. Тадбир аввалида Академия ректори Лазиз Тўйчиев сўзга чиқиб, мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, Президентимизнинг бу борада ижрога йўналтирилган қарор ва фармонлари хусусида тўхталиб ўтди. Айниқса, ислоҳотлар натижасида ўқув жараёнига татбиқ қилинган янгиликлар, талабалар учун яратилган шарт-шароитларни алоҳида эътироф этди. Шунингдек, қабул квоталари бўйича берилган имтиёзлар аҳамиятига эътибор қаратиб, ушбу имкониятларнинг жойлардаги кадрлар етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишдаги ўрни тўғрисида фикр билдирди.

Шундан сўнг, тадбирга ташриф буюрган нуфузли меҳмонларга сўз берилди ҳамда улар иштирокида мазкур таълим муассасасидаги кўп йиллик фаолияти давомида илм-фан тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган устоз-мураббийлар, шунингдек, фаолиятларда меҳнати сингган бир гуруҳ жамоат аъзолари Тошкент тиббиёт академиясининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар фурсати етди, яъни талабалик бахтига муяссар бўлган талаба-ёшлар тантанали равишда шифокорлик қасамёдини қабул қилди.




– Бугун ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан биридир, шифокорлик касбига бўлган қизиқишим ва бу борадаги интилишларим эвазига жорий йилда талабага айландим, – **дейди Тошкент тиббиёт академияси даволаш факультети талабаси Элдор Абдуқаҳҳоров.** – Албатта, ҳозирга қадар маълум даражада тушунчага эга бўлсам-да, тенгдошларим қаторида қасамёд қабул қилар эканман, шифокорлик касби нақадар масъулият талаб қилишини яна бир бор англадим. Ҳозирданоқ, ўзим учун янги мақсадларни белгилаб олдим. Давлатимиз томонидан яратилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, бор имкониятларимни мазкур соҳа сирларини пухта ўзлаштириб, эришган салоҳиятимни касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш йўлидаги эзгу ишларга йўналтираман.

**Тадбир давомида талабалар томонидан намойиш этилган тиббиёт тизими тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар фаолиятига оид бадиий чиқишлар иштирокчиларга ўзгача завқ бағишлади.**

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Ихтиро ва фан уфқлари*

# ЙОД ТАНҚИСЛИГИНИ ДАВОЛОВЧИ МИЛЛИЙ ДОРИ ВОСИТАСИ ЯРАТИЛДИ

## Уни Тошкент фармацевтика институтининг Фармация йўналиши 5-босқич талабаси Суннатулло Фазлиев ихтиро қилди

***– Ҳозирга қадар йод танқислигида тавсия этиладиган дори воситалари четдан олиб келинарди, – дейди С.Фазлиев. – Албатта, устига қўшимча нархлар қўшилгач, қимматлашади. Ҳамма ҳам сотиб ололмайди. Ўзбекистонда эса бундай дори воситаси йўқ эди.***

Биринчи босқичдан буён устозлар кўмагида ишлаб биринчи маҳаллий препаратни яратдик. У арзон ва самарадор. Энг муҳими 90 фоиз маҳаллий хомашёдан олинади. Агарда хориждан кириб келаётган бундай дорилар 20-30 минг сўм бўлса, янги дорининг нархи 12-13 минг сўм оралиғида бўлади. Бунда керакли моддалар “меҳмон -мезбон” усулида бирлаштирилган. Инсон танаси учун ортиқча бўлган йод моддаси бошқа моддалар била бирлашиб, нохуш ҳолатларни келтириб чиқармайди. Балки, кераклиси танада қолиб, ортиқчаси чиқиб кетади.

Айни вақтда ихтиро Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасига кўриб чиқиш ва тиббиёт амалиётига рухсат олиш учун тақдим этилган.

Биламизки, йод танқислиги Марказий Осиё аҳолиси учун долзарб масалалардан бири. Ваҳоланки, бу модда етишмаслиги туфайли ёш болалар ақлий ривожланишдан ортда қолиб кетиши мумкин.

Ҳозирда Суннатулло Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедрасида амалга оширилаётган “Йод-β-циклодекстрин субстанцияси ҳамда капсула дори шаклини олиш технологиясини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш” ҳамда “Маҳаллий хомашёлар асосида пребиоэнтеросорбент олишнинг юқори самарали технологиясини ишлаб чиқиш” мавзуларидаги инновацион лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Суннатулло Фазлиев бу дори воситасини бирданига яратгани йўқ. Бунга қадар у бир қатор босқичларни босиб ўтди. Энг аввало, у халқаро Д.И.Менделеев олимпиадасининг ғолиби сифатида ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинган эди. Дастлаб илмий ишларини маҳаллий хомашё асосида гемостатик таъсирга эга “Лагоден” дори воситасини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан бошлади ва илк бор “Лагоден” гелини олишга эришди.

2014 йилда “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. 2017 йилнинг март ойида Беларусда ўтказилган кимё, физика, биология ва математика фанларидан комплекс тузилган “СТЕНД” олимпиадасида бронза медали соҳиби бўлди.

Ўтган йили ҳаммуаллифликда ўрта ҳамда ўрта-махсус таълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчиларга мўлжалланган “Кимё. Тез ва осон ўрганиш” номли китоб чоп этилди.



Жорий йилда “Кимёдан олимпиада масалалари” номли китоби босмадан чиқди. Чунки айнан шу йўналишда ўзбек тилида замонавий, ишончли ва қулай адабиёт йўқлиги сабабли кимёга қизиқувчи кўпгина иқтидорли ёшлар олимпиадаларга тайёргарлик кўришда катта қийинчиликларга дуч келаётган эди.

Ёш ихтирочи Халқаро суд токсикологлари ассоциацияси, Дориларнинг терапевтик мониторингги ва клиник токсикология халқаро ассоциацияси аъзоси ҳисобланади.

**Сайёра ШОЕВА.**

*Умумий амалиёт шифокорларига*

# ЖИГАР САРАТОНИНИНГ ДАВОСИ БОРМИ?

***Илм-фан тараққий этган ҳозирги кунда барча касалликлар ўрганилган. Шунга қарамай, саратон тўғрисида гап кетганда унинг келиб чиқиш сабаблари ва даволаш усуллари борасида ҳалигача чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айтиш жоизки, у цивилизация хасталиги ҳисобланиб, бугунги кунда ўсма касаллигининг 200 дан ортиқ тури мавжуд.***

Саратон касаллиги кўп учрайдиган аъзолардан бири – жигар ҳисобланади. Жигар саратони бутун дунёда учраши бўйича эркакларда бешинчи, аёлларда эса саккизинчи ўринни эгаллайди. Маълумки, жигар инсон организмидаги энг катта аъзо бўлиб, у саломатликни таъминлаб берувчи бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Хусусан, қорин бўшлиғи аъзоларидан келаётган қон оқимини фильтрлаб, қон таркибидаги моддаларни зарарсизлантиради, овқат ҳазм бўлишига ёрдам берувчи ферментлар ва сафро суюқлигини ишлаб чиқаради. Аксарият ҳолларда саратон ташхиси инсонни қўрқувга солади ва унда бедаво дардга чалинганлик ҳисси пайдо бўлади. Аммо бу ҳали ҳукм эмас. Касалликнинг эрта босқичларида замонавий даволаш усуллари қўлланилганда, нормал ҳаётга қайтиш имконияти ортади ва бу яшовчанликни оширади. Жигар бирламчи саратонини келтириб чиқарувчи асосий сабаб вирусли гепатитлар ҳисобланади. Шу боис, мазкур касалликни даволаш, жигар саратонининг энг биринчи ва асосий профилактикасидир. Ваҳоланки, хасталикнинг олдини олиш, уни даволашдан анча афзал ва осондир. Шу сабабли гепатит билан касалланган беморлар юқори хавф гуруҳига киритилади ва уларга гепатолог, вирусологларда даволаниш, вируслар кўрсаткичини камайтириш ҳамда доимий назоратда туриш тавсия қилинади.

Жигар саратонининг яна бир муҳим омилларидан бири – жигар циррози касаллиги. Унинг ривожланишида инфекцион агентлар билан бир қаторда, спиртли ичимликларни кўп миқдорда ва сурункали истеъмол қилиш асосий ўрин тутади. Жигар циррозига сабаб бўлувчи касалликлардан яна бир тури бу гемохроматоз касаллиги бўлиб, у жигарда темир моддасининг ортиқча миқдорда тўпланиши натижасида ривожланади. Саратон касаллигининг ривожланишида спиртли ичимликлар билан боғлиқ бўлмаган бир нечта бошқа касалликлар ҳам мавжуд. Ортиқча вазнга эга бўлиш – жигарда ёғларнинг йиғилиши ва метаболик синдромга олиб келади, бу эса саратон ривожланишининг хавфини оширади. Ерёнғоқ, дон, маккажўхори, нўхат каби дуккакли маҳсулотларни нотўғри сақлаш натижасида Aspergilis flavus замбуруғи токсини бўлган афлатоксин В1ни маҳсулот билан бирга истеъмол қилиниши жигар саратони ривожланишига олиб келиши тадқиқотларда аниқланган.

Жигар саратонининг бошланғич босқичларида беморларни – доимий дармонсизлик, меҳнат қобилиятининг сусайиши, иштаҳанинг сусайиши, бесабаб озиш, таъм сезишнинг пасайиши, кўнгил айниши, кайфиятнинг йўқлиги каби белгилар кузатилади. Одатда беморлар ҳар қандай касалликка хос бўлган бундай белгиларга эътибор беришмайди ва шифокорларга мурожаат қилмай, мустақил равишда даволанишади. Вақтнинг ўтиши ва самарасиз даво эса касалликнинг янада авж олишига сабаб бўлади. Кейинги босқичларда беморларда ўнг қовурға ости соҳасида доимий симмилловчи оғриқлар, шу соҳада оғирлик ҳиси, тана ҳароратининг кўтарилиши ва баъзи ҳолларда сариқлик белгилари ривожланиши беморларни шифокорларга мурожаат қилишга мажбур қилади. Булар тез ривожланиб, бемор аҳволининг кескин оғирлашувига олиб келади. Таъкидлаш керакки, бу белгилар аксарият ҳолларда касалликнинг кеч босқичидан дарак беради. Беморларда қориннинг катталашиши кузатилиши мумкин. Бу фақатгина ўсма жараёнининг катталашиши билан боғлиқ бўлмай, балки жигар саратони ва жигар циррози касаллигининг белгиси бўлган асцит, яъни қорин бўшлиғида кўп миқдорда суюқлик йиғилиши натижасида кузатилади. Ўтказилган тиббий текширувлар натижасига кўра, яъни жигар фаолияти, ўсманинг ҳажми, жойлашган жойи, ўсмалар сони, ўсма жараёнининг қўшни аъзоларга нисбатан ҳолати, беморнинг умумий аҳволи ва ёндош касалликларини инобатга олган ҳолда даво чоралари белгиланади. Ҳар қандай даво турлари, махсус клиникаларда ва мутахассислар томонидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ, албатта.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда касалликнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, онкология клиникалари, туман тиббиёт бирлашмалари, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида тарғибот-тушунтиришлар ўтказилмоқда. Жигар саратони касаллигининг профилактикасида, аввало, вирусли гепатит В ва С касалликлари тарқалишининг олдини олиш, гепатитнинг бу турлари билан касалланган беморларни вақтида даволаш, жигарнинг сурункали касалликлари, жигар циррози бўлган беморларни доимий равишда кўрикдан ўтказиб туриш, соғлом турмуш тарзи кечириш, тўғри овқатланишга риоя қилиш, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилмаслик муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мунтазам тиббий кўриклардан ўтиш, шифокорлар назоратида бўлиш, нафақат жигар саратони, балки ҳар қандай касалликни ҳам барвақт даволаш ва олдини олишда муҳим қадамдир. Зеро, соғлом турмуш ва соғлом жамият муҳитини яратиш истагида бўлган ҳар бир инсон ана шундай қоидаларга амал қилса, мақсадга мувофиқдир.

**Мансур ДОСЧАНОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг маслаҳат поликлиникаси шифокори.**

*Фан ютуқлари*

# ЎЗБЕКИСТОНДА УМУРТҚА ДЕФОРМАЦИЯЛАРИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ УЧУН ҚУРИЛМА ЯРАТИЛДИ



***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти мутахассислари томонидан умуртқа шикастланишлари ва касалликларини даволашда қўлланиладиган қурилма яратдилар.***

Қурилма умумий ўқ бўйлаб ҳаракатлана оладиган қилиб уланган иккита таянчдан ташкил топган бўлиб, тишлар билан таъминланган. Ҳар бир таянч учи ташқи томондан П-симон пластина билан бикр уланган, таянчлардан бири резьбали стержень кўринишида бажарилган ва фиксацияловчи гайка билан таъминланган, иккинчи таянч ички ўқ бўйлаб резьбали ковак цилиндр кўринишига эга, бунда тишлар П-симон пластиналарнинг ташқи юзасида бажарилган, ичи бўш таянчда эса ўрнатиш калити учун кесик бажарилган.

Муаллифлар Шотурсунов Шохайдар, Кочкартаев Санжар, Мусаев Рустам, Коракулов Комил ва Солиев Сухробларга ушбу қурилма учун FAP 01321-сонли фойдали модель патенти берилди.

*Мулоҳаза*

# ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ, МАЪНАВИЯТ КАЛОМИ

***Маълумки, жамоат орасида инсон мартабаси, шаъни, қадр-қиммати унинг хулқи, одоби ва маънавияти белгилайди. Айни шу фазилатлар одамийлик тушунчасини бойитади, инсон умрини безайди. Ҳар қалай мазкур ақида ёшлигимиздан онгимизга муҳрланган. Шунинг учунми бугун жамиятда инсон тарбияси, касб одоби, қуйингки, шифокор деонтологияси билан боғлиқ кўнгилни хира қилувчи воқеаларга гувоҳ бўлсам беихтиёр бундан ўн беш йил олдинги хотиралар ва Ойбек Болтабоев ёдимга тушади.***



Гап шундаки, Янгийўл шаҳрининг марказий шифохонасида 45 йил бош шифокор лавозимида фаолият юритган Ойбек Болтабоев касбига шу даражада меҳр қўйган эдиларки, нафақада бўлишига қарамай, жамиятга фойдам тегсин, деган мақсадда пойтахтдан қатнаб ишларди. Ҳафтасига икки кун бўлимимизда беморларни қабул қиларди. Очиғи, мен ва ёш ҳамкасбларим учун улар билан бирга фаолият юритиш касб ортидан топган бахтимиз эди. Кўп йиллар давомида юқори лавозимда ишлаган бўлса-да, юмшоқ табиати, хушчақчақлиги, энг муҳими, муомала маданияти билан бизларга ибратга айланган. Мен ҳар сафар у кишига салом беришга шай турардим, аммо ҳеч қачон бунинг уддасидан чиқолмасдим. Одатда у киши ҳар гал мендан олдин "Ассалому алайкум!" дея ишимиз, оила ва соғлиғимиз ҳақида ҳол сўрар эди. Мен эса олдинроқ салом беришга улгурмаганимиздан мулзам қолардим... Бу нафақат камтарлик нишонаси, балки чин инсоний фазилат, юксак маданият намунасидир.

Бугун эса баъзи ёши кичик, аммо амали юқори ёки лавозимдаги кишилар, ҳатто ҳамкасбингиз бўлса ҳам сизни назарига олмайди, салом-аликсиз, гўёки атрофдагиларни кўрмагандек ўзларини беэътибор тутади. Модомики, сўз шифокорлар ҳақида кетар экан, таъкидлашимиз лозимки, ушбу касбнинг ўзига хос одоб-ахлоқ тушунчалари мавжуд ва у шифокор деонтологияси қоидалари билан мустаҳкамланган. Мазкур қоидалар кенг фалсафий тушунча бўлиб, бир неча йўналишлардан иборат. Хусусан, шифокорнинг бурчи, одоби, врач ҳамда бемор, шифокор ва беморнинг қариндошлари, дўстлари ўртасидаги, ҳамкасблари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари билан муносабат, касб сирларини сақлаш, шунингдек, устоз-шогирд муносабати кабиларни ўз ичига қамраб олади. Юқорида санаб ўтилган деонтология йўналишлари амалиётда тўғри жорий қилиниши – шифокорнинг онги, савияси, дунёқараши, билим мезони ва қайси жамиятда яшаётганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода маънавият тарғиботи оммалашган бугунги кунда ёш авлод вакилларининг ёши улуғ инсонларнинг саломига алик олиш ўрнига шунчаки, юзаки суханлик билан бош силкиб қўйишлари яхши одат эмас, албатта. Тўғри, шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин, нега айнан саломлашиш? Сабаби оддий, чунки муомала маданияти айнан ушбу каломдан бошланади. Саломлашиш одобига кўра, мартабаси юқори шахс биринчи бўлиб, салом бериши керак. Негаки, бу ҳолат кибрни йўқотади. Оилада ҳам бунга амал қилиш, хонадонга файзбарака келтиради. Афсуски, айни пайтда бунга ҳамма ҳам бирдек амал қилаяпти, деб айта олмаймиз. Аксинча саломлашиш одобининг бузилиши ҳолларига тез-тез гувоҳ бўлиб турамиз. Мавзуга доир кўпгина мутахассислар буни глобаллашув жараёнининг таъсири билан изоҳлайди. Шундай бўлса бу таъсир кучига қарши вақтида курашиш лозим. Бу ҳолат оддийгина одобсизлик эмас, миллий қадриятларнинг емирилишидир.

Миллат маънавиятига алоқадор ҳолатларга лоқайд қараб бўлмайди. Саломлашиш одоби – маънавият белгиси. Бир-биримиз билан учрашганда юракка меҳр-муҳаббат улашувчи каломни тўлиқ айтайлик. Айниқса, фарзандларимизга одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатиб, маънавий юксалиш "Ассалому алайкум"дан бошланишини англатайлик.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, миллат маънавиятига алоқадор ҳолатларга лоқайд қараб бўлмайди. Саломлашиш одоби – маънавият белгиси. Бир-биримиз билан учрашганда юракка меҳр-муҳаббат улашувчи каломга беҳурмат бўлмайлик. Зеро, оддий муносабат бўлиб туйиладиган саломлашиш одоби аслида атрофдагиларга сизнинг қандай инсонлигингизни намоён этувчи, энг муҳими, келажак авлод вакилларининг юксак маънавият соҳиблари бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этувчи, миллатимизга хос эзгу амаллардан бири ҳисобланади.

**Зулфия АМИНОВА,**
**шифокор.**

*Ибрат*

# МАЗМУНЛИ УМР ЙЎЛИ

***Бу дунёда инсониятдан қоладиган бирдан бир яхши ном, шубҳасиз бу – умр мобайнида қилинган эзгу амалларда намоён бўлади. Зеро, холислик билан кўрсатилган беминнат ёрдам киши феъл-атворини ифодалабгина қолмай, ҳар бир шахснинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига пойдевор яратади.***

Бугун бундай инсонлар орамизда кўплаб топилади. Хусусан, ўз касбини чуқур ўзлаштирган, тажрибали умумий амалиёт шифокори Фурқат Очилович Отамуродов ҳақида ҳам ана шундай дейиш мумкин. Тиббиёт соҳасидаги 28 йиллик фаолияти билан эл орасида ҳурмат-эътибор қозонган Фурқат Отамуродов айни пайтда Самарқанд вилояти Ургут туман кўп тармоқли марказий поликлиникага қарашли Амир Темур номли қишлоқ врачлик пунктида бўлим бошлиғи лавозимида ҳудуд аҳолисига хизмат кўрсатиб келмоқда. Тажрибали шифокор бир лаҳза бўлса-да, ўз устида ишлаш, ҳамкасблари билан касб сирлари ўзлаштириш борасида малака алмашишни канда қилмайди. Беморларни дарддан фориғ қилиш, касалликларнинг олдини олишда янги, замонавий усулларни амалиётга татбиқ этишга интилади. Фурқат Очилович ўзининг камтарона ушбу ҳислатлари билан бир неча шогирдларнинг талабчан устози, касбий малакаларни ўзлаштириш, касалликларни тўғри ташхислаш ва даволашда ўз ёндашувлари билан ўртоқлашувчи кўмакдошидир.

Биламизки, тиббиётнинг барча йўналиши, айниқса, болалар билан ишлаш йўналиши соҳа ходимларидан чинакам масъулият, юқори малака талаб этади. Фурқат Отамуродов бу синовли йўлларнинг барчасини сабот билан босиб ўтди. Бугун нафақат малакали шифокор, балки фаровон бир оиланинг устуни, турмуш ўртоғи билан тарбиялаб вояга етказган ва ҳозирда ота-она касбини давом эттираётган икки ўғил ва бир нафар қиз фарзандлари учун меҳрибон ота ҳамдир. Бир-биридан ширин 4 нафар набирасини эса умр мазмуни, деб билади.

**Болажонлар саломатлигини асраш, уларни соғлом ва баркамол авлод бўлиб улғайиши йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган масъулиятли инсон, тажрибали устоз Фурқатжон Отамуродовга келгуси фаолияти ва муваффақият ёр бўлиши ва барча эзгу мақсадларига эришишга тилакдошмиз.**

**Узоқ ОМОНОВ,**
**Самарқанд вилояти, Ургут тумани.**

*101 хизмати огоҳлантиради*

# ЁНҒИН ОФАТИДАН АСРАЙЛИК

Усиз кундалик ҳаётимизни, турмушимизни тасаввур кила олмаймиз. Унинг инсонлар ҳаётида тутган ўрни, келтираётган фойдаларини ҳеч ким рад эта олмайди, албатта. Лекин шу оловнинг қанчадан-қанча инсонларга ва давлатимиз мулкига зарар етказаётганини эса кўпчилик тан олаётгани йўқ. Фуқароларимизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бепарво бўлишлари, оддий кундалик ҳаётимизда учрайдиган камчиликларини ўз вақтида бартараф этмасликлари оқибатида катта талафотларга сабаб бўлаётган ёнғинлар келиб чиқмоқда. Бунинг энг ачинарли томони эса содир бўлаётган ёнғинлар оқибатида инсонларнинг тан жароҳати олиши, аксарият ҳолларда ҳалок бўлиши ҳоллари кўп учрамоқда.

Юқоридаги каби кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун фуқароларимизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этишларини, болаларни уйда ёлғиз қолдирмасликларини, электр ёки газ мосламаларидан фойдаланилгандан сўнг уни ўчириб қўйиш каби қоидаларини унутмасликларини сўраб қоламиз.

**Латофат ПАХРУТДИНОВА**
**Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуасини ёнғиндан муҳофаза килувчи Ёнғин Хавфсизлиги Бўлинмаси инспектори, лейтенант.**

# ТИЛСИЗ ЁВГА ЁН БЕРМАНГ

Маълумки, олов қадимдан инсониятнинг том маънодаги дўсти, ёрдамчиси бўлиб келган. Шундай экан савол туғилиши табиий, ҳўш, нега унга қарши курашамиз? Негаки, қачонки, ундан тўғри фойдалансакгина дўстимиздир.

Акс ҳолда у тилсиз ёвга айланиб, оқибатда фуқароларнинг катта миқдорда моддий зарар кўриши, куйиш тан жароҳатини олиши, ҳатто ўлим ҳолатларига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролар қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқдир:

- маҳаллалардаги бинолар, уйлар ва шахсий хонадонларда чиқиндилар, хошшаблар ва хазонларни ёқилишига йўл қўймаслик;
- уйдан чиқишда электр, газ мосламаларини ўчириш ва ёш болаларни ёлғиз қолдирмаслик;
- газ плиталари жойини ўз бошимчалик билан ўзгартирмаслик;
- газ плиталари устида ювилган кирларни қуритишга йўл қўймаслик;
- ёқиб қўйилган электр иситиш асбобларини, электр дазмол, плита ва телевизорларни қаровсиз қолдирмаслик.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу қоидаларга риоя қилиш ўзингиз ва ўзгаларнинг ҳаёти, мол-мулкини ишончли асрашга хизмат қилади.

**Жанибек САЛИМБАЕВ,**
**ЁХБ кичик инспектори, катта сержант.**

# ... УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Бугунги кунда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Маҳалла ва шаҳар марказларида бунёд этилаётган янгидан-янги иншоотлари ёнғин хавфсизлиги ходимларининг масъулиятини янада оширмоқда. Бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаётганлиги сабабли ёнғин ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Шу боис, 2018-2019 йилларда мўлжалланган маҳаллий ишлаб чиқариш қувватини ошириш, кичик бизнес ва фирмалар фаолиятини кучайтириш, ўқув ва даволаш муассасалари биноларини ҳамда иншоотларни бунёд этиш жараёнида ёнғин назорати бўйича давлат инспекторлари олдига муҳим вазифалар қўйилмоқда. Халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини таъминлашга қаратилган тадбирлар салмоқли оширилганлигига қарамай, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида Миробод тумани бўйича жами 56 та ёнғин ҳолатлари содир бўлди. Ёнғинларнинг келиб чиқишига фуқароларнинг носоз электр иситиш ва ёритиш воситаларидан фойдаланиши ҳамда иситиш воситаларини назоратсиз қолдириши асосий сабаб.

Миробод тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан бир қатор тадбирий чоралар ва маҳалла фуқаролари билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Бу билан ўз ҳаётимиз ҳамда шахсий мулкимизни асраган бўламиз.

**Ҳасан СОБИРОВ,**
**Миробод тумани ЁХБ инспектори, сержант.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Советы специалиста*

# ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ КАК ПОЛЕЗНАЯ ПРИВЫЧКА ЧЕЛОВЕКА

***Если в здоровом теле здоровый дух, то в здоровом духе должно быть здоровое тело? Наверное, такой оборот у многих вызовет недоумение и вопрос: что такое здоровый дух ? Возможно, каждый это поймет по-своему. Я бы хотела это объяснить с медицинской точки зрения.***

Когда мы говорим: "В здоровом теле – здоровый дух" подразумеваем, в первую очередь, хорошее настроение, активность, бодрость и веселую доброжелательность к себе и к людям, то есть здоровье в эмоциональной сфере человека. Именно эмоции напрямую влияют на сердечный ритм и поэтому эмоциональная жизнь человека часто называется сердечной областью. И именно здоровье эмоциональной сферы человека обеспечивает активное долголетие. Здоровьем эмоциональной сферы объясняется и то что некоторые долгожители, не занимаясь физической активностью и имея лишний вес многие годы сохраняют свою творческую активность, что, конечно, совсем не умаляет значения физической активности и здорового питания. Здоровье эмоциональной сферы напрямую связанно с творческими способностями человека, с его свободой духа и долголетием. Творчество без свободы духа невозможно, возможна лишь принудительная работа. Как правило, "сердечные" люди жизнерадостны, активны, добры и дарят счастье окружающим людям своим творчеством и жизнью. У многих пациентов рекомендации врачей о необходимости физической активности и здорового питания ассоциируются с напряжением силы воли, ограничениями и запретами и отметаются как далекие от удовольствий и жизнерадостности. Я предлагаю сделать их приятными и повседневными развлечениями, потому что организация себе здорового образа жизни совсем не требует принуждения и аскезы, и становится просто полезной привычкой при соблюдении некоторых условий. Про правильное здоровое питание и пользу физических нагрузок сказано и написано очень много и имеется большое разнообразие диет и режимов активности, поэтому я хочу акцентировать внимание читателя на достижение веселого настроения и легкости для ведения здорового образа жизни, а не только ради избавления от болезней и увеличения продолжительности жизни. Тем более, что длительность жизни сама по себе не обеспечивает ее качества в виде полноты, насыщенности и жизнерадостности. Поэтому при выборе диет и вида физической активности нужно руководствоваться их удобством, приятностью и привлекательностью именно для вас самих с учетом особенностей физиологии вашего организма. Мы часто выбираем модные фитнес-клубы и популярные диеты, но здоровье это не мода и не популярность, это стиль жизни.

У каждого организма есть свои особенности телосложения, темперамента, выносливости, которые нужно учитывать при выборе, иначе организм будет сопротивляться нежеланием. Например, личности с холерическим темпераментом трудно будет выполнять упражнения йоги, флегматикам не понравится футбол, люди астенического телосложения не могут увеличить выносливость, а люди с повышенной кислотностью с трудом приспосабливаются к вегетарианской диете. В результате многие считают, что здоровый образ жизни это сила воли и подавление желаний только ради профилактики заболеваний и потеря радости жизни. Эти заблуждения возникают в случаях несоответствия характерологических и физиологических особенностей личности с выбранным диетическим питанием и видом физической активности. В случаях когда это соответствие имеется, принципы здорового образа жизни приносят только удовольствие и дополнительный стимул к творческой жизни, потому что нравятся самому человеку. То есть, фактором перехода здорового образа жизни из модного течения и принудительной обязанности по избавлению от болезней в стиль жизни является ваше эмоциональное здоровье после изменений образа жизни. Сила духа и свобода воли ведут не к анархии и вседозволенности, а к творческой активности и раскрытию доброжелательности как естественной потребности человека созидать и помогать окружающим.

Любая привычка – это сочетание условных и безусловных рефлексов организма и способность к автоматическому воспроизведению заложенных в него программ. Например, вождение автомобиля из напряжений силы воли с отслеживанием многочисленных обязательных движений переходит в приятную привычку передвижения на современном транспорте после достижения автоматизма движений. На этот переход от принуждения себя к обязательности и до автоматической легкости и приятности у разных людей затрачивается разное время, примерно в диапазоне 30 – 55 дней. Это время появления новой привычки для вашей психики и организма. Именно в этом промежутке понадобится некоторое усилие над собой, которое окупится сторицей вашей победой над болезнями и пассивностью и раскрытием интуиции. И если вы правильно подобрали себе продукты питания и вид физической активности, то переход на здоровый образ жизни будет постоянным, а не временным увлечением. Многообразие и доступность кулинарных рецептов низкокалорийных диет дает возможность сделать пищу вкусной и привлекательной для гурманов любых наклонностей, также как и многообразие видов физической активности предоставляет радость движения даже людям с физическими ограничениями. Когда человеку нравится то, что он ест и он получает удовольствие от физической активности его организм начинает испытывать в этом естественную потребность и никакой силы воли прикладывать не надо. Нужна только свобода воли и выбора часто между мелкими важностями и большими пустяками. Большими пустяками можно назвать обычные отговорки некоторых завистников и беспомощных инфантильных любителей болеть. Из зависти к богатым они будут жаловаться, что не могут заниматься лечебной физкультурой или иметь диетическое питание, потому что у них нет средств. Из чувства беспомощности и инфантилизма будут жаловаться, что им мешают родные и близкие. Из любви к знакам внимания и заботы со стороны окружающих будут избегать полного излечения своих болезней, и продолжать получать все знаки заботы своих близких.

К мелким важностям относятся факторы, на которые мы в суете не обращаем внимания и считаем малозначащими. Например: незнание физиологии своего организма, мелкие потакания своим слабостям, неумение распределять обязанности между домочадцами для экономии времени и сил, использование вкусов и предпочтений семьи и близких людей для совместного перехода на здоровый образ жизни и многое другое. Мы позволяем себе небольшие отхождения от рекомендуемого по диете набора продуктов в дополнительных маленьких перекусах, которые незаметно могут увеличить суточный каллораж, а потом удивляемся - почему вес не уменьшается и даже растет. Мы считаем, что не имеет большого значения через час или два после тренировки вы поели и что именно, хотя для снижения веса необходимо отсутствие приема пищи за три часа до тренировки и два часа после тренировки. Время суток, отведенное на тренировки тоже имеет значение. С предрасположенностью к полноте людям рекомендуются вечерние тренировки перед сном и исключение приема пищи после нее. Выбор между тренажерным залом и фитнесом тоже будет давать разные результаты у разных людей. И для всех важен контроль веса и полноценный сон.

Сон представляет собой восстанавливающую и оздоровительную фазу жизни организма. Здоровый полноценный сон ускоряет заживление ран и переломов, востанавливает активность при одном условии: желудок и кишечник должен быть разгружен перед сном. Поэтому "ужин отдай врагу" постоянная рекомендация врачей и диетологов. Когда организм во сне свободен от обязанностей по перевариванию пищи и выведению токсинов все его восстановительные силы направляются на оздоровление и сжигание лишних жиров. Во время сна мы теряем вес и очищаем организм, если желудок пуст. По этой причине лечебное голодание имеет успех при многих болезнях. Это условие становится трудно осуществимым в обычной жизни с вечерними застольями, где трудно удержаться от соблазнов. Как правило, на следующее утро аппетита не бывает, и это отсутствие аппетита можно продлить до следующего утра, отказавшись от пищи по указанию организма. И в дальнейшем прислушиваться к организму действительно ли он испытывает чувство голода или это просто желание попробовать чего-нибудь вкусненького и значит лишнее для организма.

Можно во время застолий переключиться на прием несладких жидкостей и горячих напитков, которые снижают аппетит или придумать какое-нибудь наблюдение за окружающими и беседы. То есть, когда человек хочет придумать способ сохранения своих предпочтений, то может найти творческое решение для любой ситуации.

Еще одна мелкая важность, о которой нужно помнить людям сильно увлекающимся оздоровлением и фанатично соблюдающим все запреты и ограничения с целью получить панацею от всех болезней. Чрезмерное увлечение низкокаллорийной пищей и полное исключение жиров и углеводов из рациона может привести к анорексии, анемии и авитаминозам с недостаточностью микроэлементов. Поэтому быстрое снижение веса должно проходить под наблюдением врача или специалиста диетолога и включать в рацион оптимальное количество белков, жиров и углеводов и витаминов с микроэлементами или например, есть люди чрезмерно увлекающиеся физическими упражнениями в тренажерных залах. Они должны помнить об опасностях перегрузки и сбоя компенсаторных возможностей организма, чтобы не было, как у одного пациента: хотел убежать от инфаркта и побежал на стадион, где в итоге прибежал к инфаркту.

Фактор, который я бы также отнесла к разряду больших пустяков: слишком большое доверие врачу, который делает ограничения движения и питания с целью перестраховки. Нужно помнить что всегда есть самые минимальные упражнения, с которых можно начать и нет таких продуктов, которые человек раньше принимал без последствий и чья маленькая доза принесла бы большой вред. Это я говорю сейчас о ситуациях, когда полный запрет на какой-либо продукт порождает сильную потребность и значит, создает зависимость от данного продукта.

Медицинская практика показывает, что пациенты выполняют рекомендации врача, когда они им нравятся, когда они с ними согласны и когда они понимают, зачем нужно их выполнение. И это еще одна мелкая важность знать особенности своего организма и желать следовать здоровому образу жизни.

Экология здоровья – это здоровый образ жизни. И я вам желаю иметь экологически чистый организм.

**Гульбахор ЯКУБОВА,**
**врач, бизнес-тренер,**
**общественный деятель.**

*Благодарность*

## Спасибо за заботу и участие

Город Самарканд является жемчужиной нашего благословенного Узбекистана. С древнейших времен он славится своим радушием, заботой и теплом, и люди живущие в этом городе всегда соответствовали его славе. Одной из таких добросовестных и чутких профессионалов своего дела является заведующая кардиологического отделения Городской больницы Самарканда Азиза Набиева.

Я, Галимулина Надия, проживающая в этом прекрасном городе, к сожалению, являюсь одинокой пенсионеркой и по состоянию здоровья, да и по возрасту уже (мне 70 лет) два раза в год прохожу стационарное лечение в данной больнице. Заведующая отделением Азиза Набиева на любые жалобы пациентов сразу же откликается очень по-доброму. Чужую боль воспринимает как свою, несмотря на то, что в наше время появилось очень много материально необеспеченных пациентов. Она всегда стремится помочь в лечении, не откладывая его в долгий ящик. Поэтому, с огромной благодарностью хотелось бы попросить главного врача Городской больницы города Самарканда поощрить Азизу Набиеву за ее чуткую заботу к каждому пациенту, бережное отношение и неравнодушное стремление в оказании помощи всех обратившихся к ней людей.

Редакция газеты и близкие с глубоким прискорбием извещают о кончине на 87-м году жизни главного врача I поликлиники IV Главного управления, заслуженного врача Республики Узбекистан, хирурга высшей категории

**Владислава Васильевича МЕЛЬНИКОВА.**

### Сфера здравоохранения

# ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ — ПРИОРИТЕТНАЯ ЗАДАЧА

***В столице реализуются комплексные меры по обеспечению санитарно-эпидемиологического благополучия граждан, соблюдению требований нормативно-правовых актов, направленных на охрану их здоровья.***



В этом важном деле огромная ответственность возлагается на специалистов Центра Государственного санитарно-эпидемиологического надзора города Ташкента, являющегося медицинским профилактическим учреждением, осуществляющих государственный санитарный надзор.

– *Учитывая ускоренное развитие внешнеэкономических, культурных и туристических связей Узбекистана мы последовательно внедряем современные научные достижения, ведем повсеместный контроль, совершенствуем информационную базу данных,* – **рассказывает заместитель главного врача Центра Государственного санитарно-эпидемиологического надзора города Ташкента Афзалжон Алимджанов.** – *Нашими специалистами и учеными проводится комплекс профилактических и противоэпидемических мер по предотвращению и распространению различных видов инфекционных заболеваний. При этом основное внимание уделяется борьбе с кишечными и простудными заболеваниями.*

Опыт доказал, что одной из самых эффективных мер профилактики являются прививки против 12 видов инфекционных заболеваний. Для повышения эффективности работы все прививочные пункты столицы обеспечены холодильным оборудованием, специальными сумками для транспортировки вакцины, контейнерами для сбора отработанного материала. Благодаря полному и своевременному охвату больных, последовательно снижаются случаи заражения.

В ЦГСЭН г. Ташкента ведется ежедневный мониторинг за регистрацией основных и наиболее актуальных инфекций, состоянием лабораторного контроля за качеством питьевой воды, продовольственной продукции, положением дел в оздоровительных и образовательных учреждениях.

Четкая взаимосвязь с другими подразделениями Министерства здравоохранения позволяет активно устанавливать и предотвращать влияние неблагоприятных факторов на здоровье человека, выявлять причины возникновения и распространения инфекций, паразитарных заболеваний и отравлений.



За последние годы при поддержке государства была значительно обновлена материально-техническая база Центра. Оснащены современным оборудованием бактериологическая, радиологическая, санитарно-гигиеническая, вирусологическая, паразитологическая лаборатории.



Полярографами, хромотографами, фотометрами и мультисканами обеспечены лаборатории по исследованию особо опасных инфекций.

На регулярной основе проводится работа по повышению уровня знаний специалистов путем проведения семинаров и тренингов. Под руководством Министерства здравоохранения на базе ЦГСЭН города Ташкента ведется подготовка санитарных врачей и врачей-лаборантов, других специалистов по ранней диагностике инфекционных заболеваний. С участием широкой общественности организуются "Дни открытых дверей".

Специалисты Центра совместно с представителями ветеринарно-санитарных лабораторий осуществляют эффективный контроль за качеством продукции, реализуемой на дехканских рынках и их филиалах, других предприятиях торгово-розничной сети. При этом особое внимание уделяется качеству мясомолочных продуктов, предотвращаются случаи продажи консервированной продукции, приготовленной в домашних условиях. Все недоброкачественные продовольственные товары утилизируются в установленном законом порядке. В целях проведения широкой разъяснительной работы среди населения по профилактике пищевых отравлений и инфекционных заболеваний все рынки столицы оснащены радиоузлами, здесь проводятся встречи и беседы с участием известных ученых и врачей.

Совместно с правоохранительными органами и хокимиятами руководством ЦГСЭН города Ташкента ведется эффективная работа по предотвращению случаев загрязнения открытых водоемов бытовыми отходами, сносу незаконных частных построек. В настоящее время благоустраиваются прибрежные полосы водоемов столицы, что послужит улучшению окружающей среды, укреплению здоровья людей.

**Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Фото автора.**

### Болалар спорти

# ЁШ ШАХМАТЧИЛАР МУСОБАҚАСИ



***Ёш шахматчилар мусобақаси Шахмат бўйича 8,10,12,14 ёшли ўғил-қизлар ўртасида Гран-При турнирининг 3-босқич мусобақалари бўлиб ўтди.***

Унда Умаржон Баҳодиров (6,5 очко), Севинч Давлатова (6 очко), Сайдамирбек Ҳотамов (6 очко), Нозима Валиева (5 очко), Умархон Фахриддинхўжаев (5,5 очко), Сабина Йўлдошева (4 очко), Марсель Шоюсупов (6,5 очко), Фарангиз Қиличева (4,5 очко) тўплаган ҳолда шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**ЎзА.**



Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 2318 нусха.
Буюртма Г-1037.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.